

**ШАРТНОМА №1**  
**умумий овқатлантириш хизмати кўрсатиши тўғрисида**

Муборак шаҳар

30.12.2021 йил

“XIMLAB” масъулияти чекланган жамияти (кейинги ўринларда – Ижрочи) номидан жамият устави асосида фаолият кўрсатувчи жамият директори Н.Т.Рахимовани тимсолида бир тарафдан ва

“O’zbekneftgaz” акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда – Буюргачи) номидан ушбу жамият томонидан тасдиқланган Муборак нефть ва газ казиб чиқариш бошкармаси тўғрисидаги низом ва 04.03.2021 йилда берилган 12-1-54-сонли ишончнома асосида фаолият кўрсатувчи ушбу бошкарма директори Р.Ч.Шеровни тимсолида иккинчи тарафдан,

биргаликда “Тарафлар” деб аталадиганлар, Ўзбекистон Республикаси бош вазири, Инкирозга карши курашиш республика комиссияси раҳбари А.Н.Арипов томонидан 25.11.2021 йилда тасдиқланган Инкирозга карши курашиш республика комиссиясининг 209-сонли баёни 6-банди З хатбоиси ва “O’zbekneftgaz” АЖ бошқарувининг 09.12.2021 йилдаги 01-10-1/122-сон баёни 17-бандига асосан “O’zbekneftgaz” АЖ нефт ва газ казиб чиқариш бошкармалари ва заводларда меҳнат килаётган ишчи-ходимларни 2021 йилда доимий уч маҳал иссик овқат билан таъминлаш тўғрисида тузилган шартномаларнинг амал қилиш муддати тугаганлигини ва 2022 йилда ишчи-ходимларни иссик овқат билан таъминлаш буйича хизмат кўрсатувчи корхоналар билан музокаралар олиб бориш йўли орқали тўғридан-тўғри шартномалар расмийлаштиришга руҳсат берилганлигини хисобга олиб, куйидагилар тўғрисида ушбу шартномани (кейинги ўринларда – Шартнома) туздилар:

**1. Шартнома предмети**

- 1.1 Ушбу Шартнома бўйича Ижрочи Буюргачининг топширикларига мувофиқ 2022 йилда Шартноманинг 1.2 бандида кўрсатилган обьектларида умумий овқатлантиришни ташкил этиб, Буюргачининг ишчи ва хизматчиларини Тарафлар ўртасида келишиб олинган меню асосида уч маҳал иссик овқат ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш билан боғлик умумий овқатлантириш хизматини кўрсатиши (кейинги ўринларда – Хизматлар), Буюргачи эса бу Хизматлар учун Ижрочига ҳак тўлаш мажбуриятини олади.
- 1.2 Ижрочи “Ўртабулок-Денгизқўл” НГКМ ишчилар шаҳарчаси, “Сомонтепа” кони, “Тегермон кони”, “Ғарбий Тегермон” кони, “Узуншор” кони, “Сомонтепа” конидаги газни дастлабки тайёрлаш курилмаси, “Сомонтепа” конидаги сикув компрессор станцияси, “Ўртабулок” кони, “Ўртабулок” конидаги сикув компрессор станцияси, “Денгизқўл” кони, “Денгизқўл” конидаги сикув компрессор станцияси, МГҚИБ Ўртабулок участкаси, “Умид” кони, “Помук” кони, “Кўлтоқ” кони, “Алан” кони, “Кўлтоқ-Помук-Алан” конлари ишчилар шаҳарчаси, “Гирсан Чулкувар” кони, Чулкувар кони курилмаси, Кўриклиш хизматининг Шода. Гирсан ва Чўлкувар участкаси ва бошқарма ёнидаги чойхонада Буюргачининг вахта услубида меҳнат килаётган 1510 (бир минг беш ўн) нафар ишчи ва хизматчиларини Шартномага 1-иловадаги меню асосида уч маҳал иссик овқат ва 2-иловадаги меню асосида озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлайди. Шунингдек Буюргачининг талабномасига мувофиқ оловли ишларни бажарини учун жалб қилинган ишчи ва хизматчиларни, обьектларга жалб қилинган мутахассисларни, зарур мансадлар иштирокчиларини ва байрам тадбири иштирокчиларини келишилган меню асосида иссик овқат билан таъминлайди.
- 1.3 Хизматлар 2022 йил 1 январдан бошлаб 2022 йил 31 декабр куни ҳолатида кўрсатилади.
- 1.4 Хизматлар Ижрочи томонидан топширилиб, Буюргачи томонидан қабул қилинганлиги тўғрисидаги далолатнома имзоланганидан бошлаб кўрсатилган ҳисобланади.

**2. Тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

2.1 Ижрочининг мажбуриятлари:

- 2.1.1 Хизматларни намунали даражада ўзининг кучи ва озиқ-овқат маҳсулотлари ҳисобидан ҳамда Буюргачи билан келишиб олинган меню асосида кўрсатиши;
- 2.1.2 Ходимларни иссик овқат билан таъминлаш жараёнида ходимлар томонидан билдирилган таклиф ва талабларни ҳисобга олиб, кунлик бир киши учун иссик овқат харажатларидан ошиб кетмаган ҳолда Буюргачи билан келишилган ҳолда кунлик овқатлантириш менюсига ўзгартириш киритиш;
- 2.1.3 Хизматларни кўрсатиши жараёнида амалдаги меҳнатни муҳофаза қилиш, техника, хавфсизлиги ҳамда санитария ва гигиена коидаларига риоя қилиш;
- 2.1.4 Объектга олиб қелинган озиқ-овқат маҳсулотларини қабул қилиш учун Буюргачининг вакиллари иштирокида ишчи гуруҳ тушиб, озиқ-овқатлар қабул қилинганлиги тўғрисида далолатнома тузиш;

\_\_\_\_\_ Ижрочи

5 бетнинг 1 бети

\_\_\_\_\_ Буюргачи

## **“XIMLAB” МЧЖ билан “O’zbekneftgaz” АЖ ўртасида тузилган шартнома**

- 2.1.5 Махсулотларга пазандачилик ишлов бериш талабларига риоя қилиш, ошхонада сифати тез бузиладиган махсулотларни сотилиш ва сақланиши муддатларига риоя қилиш, хизмат кўрсатишга маҳсус тайёрловдан ўтган ва профилактик тиббий кўриқдан ўтган ишчиларга рухсат этиш, овқат тайёрлаш учун сифатли маҳсулотларни сотиб олиш ва фойдаланиш тартибларига риоя қилиш;
- 2.1.6 Умумий овқатлантиришни ташкил қилишда алқагол ва тамаки маҳсулотларни сотишига йўл қўймаслик;
- 2.1.7 Ошхонадаги асосий воситалар ва инвентарлардан фойдаланишда ўрнатилган тартибга, стандартларга, йўриқномаларига риоя қилишни таъминлаш;
- 2.1.8 Торози ўлчов асбобларини ўрнатилган тартибда доимий назоратдан ўтказиб бориш;
- 2.1.9 Ҳужжатларни расмийлаштиришда Хизматлар баҳоси ва коэффициентларни амалдаги норматив-хукукий хужжатлари ва прейскурантларга мувоғиқ кўллаш;
- 2.1.10 Буюртмачига амалдаги қонун хужжатларига мос келадиган, ошпаз ходимлар хизмати орқали ишчилар ошхоналарида хизмат кўрсатиш жойлари учун Ахборот коммуникациялар технологиялари департаменти томонидан тасдиқлаб тақдим этилган “Dining” автоматлашган тизими маълумотлари асосида ва иш кунлари табеллари асосида ва ошпаз хизмати кўрсатилмайдиган озиқ овқат маҳсулотлари етказиб бериладиган кичик конлар ва участкалар учун персонални бошқариш бўлими томонидан тасдиқлаб тақдим этилган иш кунлари табеллари асосида ҳамда тегишли бўйруқ, фармойиш, билдирги ва боника тегишли хужжатлар асосида ва шартноманинг 1 ва 2 иловаларида келтирилган хафталиқ менюлар асосида далолатнома ҳамда счет-фактураларни расмийлаштириб кейинги ойнинг 10 санаасигача топшириш;
- 2.1.11 Хизматлар ушбу Шартнома шартларидан чиқкан ҳолда кўрсатилиб, Хизматлар натижаси ёмонлаштирилган бўлса, йул куйилган камчиликларни ўзининг ҳисобидан 1 (бир) иш куни давомида бартараф қилиш;
- 2.1.12 Шартнома муддати тугаганидан кейин умумий овқатлантириш обьекти ва Буюртмачининг бошка молмулкини зудлик билан Буюртмачига топшириш.

### **2.2 Буюртмачининг мажбуриятлари:**

- 2.2.1 Хизматлар кўрсатиш учун Ижрочига зарур шарт-шароитлар яратиш ва Ижрочининг ходимлардан максадли равиша фойдаланиш. Пайдо бўладиган масалаларни ҳал қилиш ва Ижрочи билан доимо алокада бўлиш учун ўзининг маъсул вакилини ажратиш;
- 2.2.2 Иссик овқат харажатларини оширмаслик максадида хизматлар кўрсатилишини ташкил қилиш учун Ижрочига ошхона биноси, омборхона, вагон ошхоналар, хужжатларни юритиш ва сақлаш хоналари, ошпаз ходимлар учун хоналарни Буюртмачининг обьектлардаги вакиллари ва Ижрочининг вакиллари иштирокида топшириш-қабул қилиш далолатнома тузиш орқали бегараз ажратиш;
- 2.2.3 Тақдим этилган асосий воситалар товар моддий бойликларни сақлашни таъминлаш талабларига, меҳнатни муҳофаза қилиш, ёнғин хавфсизлиги, тозалик меъёр ва талабларига мос келиши кераклиги, назорат органлари томонидан кўрсатилган камчиликларни бартараф қилиш;
- 2.2.4 Ижрочини кўйидагилар билан таъминлаш:
- зарур мебеллар, совутгичлар, технологик жиҳозлар, техник хизмат кўрсатиш ишлаб чиқарин ва жиҳозлари билан;
  - санитария талабларига мос келадиган иссиклик ва электр энергиялари, сув таъминоти, оқова сув тармоқлари ва хизмат кўрсатиш, телефон алоқаси, локал ҳисоблаш тармоги;
  - кўриқлаш ва ёнғин хавфсизлиги тизими, техник хизмат кўрсатиш ва ёнғин хавфсизлиги тизимини режали огохлантирилган таъмири билан биргаликда;
- 2.2.5 Объектларда дезинфекция, дезинсекция, дератизация ишларини олиб бориш ва вентиляция тизимини ўрнатиш;
- 2.2.6 Ишдан чиқкан совутгич, техник ва технологик жиҳозларни ўз вақтида алмаштириш, обьектлардаги мебеллар холатини назорат қилиш, ўз вақтида таъмирлаш ёки алмаштириш, ўз йуналиши буйича фойдаланишга яроксиз Буюртмачи жиҳозларни билан Ижрочини иш куни бекор ўтишига йўл қўймаслик;
- 2.2.7 Ижрочининг Хизматларни кўрсатиш учун жалб килинган ходимларига ётиб туриш хоналарини ажратиш;
- 2.2.8 Шартномада белгиланган миқдорда ва муддатда Шартноманинг 1.1. бандида назарда тутилган Хизматларни кўрсатганилиги учун Ижрочига Шартноманинг 4.3 бандида белгиланган тартибда ҳак тулаш;
- 2.2.9 Ижрочига Шартноманинг бекор қилиниши туфайли етказилган заарни кўрсатилган Хизматларнинг баҳоси билан ҳамма хизматлар учун белгиланган баҳо ўртасидаги фарқ доирасида тўлаш.

### **2.3 Буюртмачи кўйидаги хукуқларга эга:**

- 2.3.1 Ижрочининг фаолиятига аралашмаган ва Хизматларни кўрсатилишига халакит бермаган ҳолда исталған вактда Ишнинг бориши ва сифатини текшириш;
- 2.3.2 Ижроидан меҳнат муҳофазаси, техника, газ ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этишни талаб қилиш;

## **“XIMLAB” МЧЖ билан “O’zbekneftgaz” АЖ ўртасида тузилган шартнома**

2.3.3 Хизматлар натижаси ўзига топширилгунга қадар истаган вақтда Шартномадан воз кечиб, Ижрочига белгиланган баҳонинг Шартномадан воз кечганлиги тўғрисидаги огоҳлантириш олингунга қадар кўрсатилган Хизматларга мутаносиб кисмини тўлаш.

### **3. Шартноманинг баҳоси ва тўловларни амалга ошириш тартиби**

- 3.1 Буюртмачининг бир нафар ходимини бир кунда уч маҳал иссиқ овқат билан таъминлаш хизматнинг баҳоси ҚҚС билан 54410 (эллик тўрт минг тўрт юз ўн) сўм 00 тийинни ва иссиқ овқат тайёрлаб бермасдан озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилган кичик конлар ва участкалар обьектлари буйича ҚҚС билан 46342 (кирк олти минг уч юз кирк икки) сўм 00 тийинни, Шартноманинг умумий баҳоси ҚҚС билан 17 402 978 352 (ўн етти миллиард тўрт юз икки миллион тўккиз юз етмиш саккиз минг уч юз эллик икки) сўм 00 тийинни ташкил этади.
- 3.2 Ходимларни иссиқ овқат билан таъминлаш мақсадида озиқ-овқат маҳсулотларининг бозор нархлари кескин ўзгарганда, ваҳта усулида ишловчи қўшимча иш ўринлари яратилганида ва бошқа шу каби ҳолатларда тарафларнинг келишувига мувофиқ Шартнома баҳосига ўзgartириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.
- 3.3 Шартнома бўйича ҳакикатда кўрсатилган Хизматларга ҳақ тўланади, иссиқ овқат тайёрлаб бермасдан озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилган кичик конлар ва участка обьектлари бўйича ҳисоб китоб килинганида 1-илова менюга нисбатан ошпазнинг хизмат ҳақи чегириб қолинади ҳамда 2-илова менюга асосан ҳисоб китоб килинади.
- 3.4 Буюртмачи навбатдаги ойда кўрсатиладиган Хизматлар баҳосининг 15 (ўн беш) фоизи микдоридаги олдиндан тўловни ушбу ой бошланишига қадар, колган кисмини Хизматлар топширилганидан сунг 10 (ўн) иш куни давомида Ижрочининг банкдаги ҳисоб ракамига пул қўчириш йули билан ўтказиб беради.
- 3.5 Хизматлар кўрсатилганидан сунг Тарафларнинг келишувига мувофиқ Хизматлар баҳосига ўзgartириш ва қўшимчалар киритилиш мумкин.

### **4. Тарафларнинг жавобгарлиги ва низоларни ҳал қилиш тартиби**

- 4.1 Шартномани бажармаганлик еки лозим даражада бажармаганлик учун жавобгарлик Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукуқий базаси тугрисида”ги конуни ва бошқа норматив-хукуқий хуҗжатлари ҳамда ушбу шартнома билан белгиланади.
- 4.2 Хизматларни кўрсатиш муддатлари кечикириб юборилган ёки хизматлар кўрсатилмаган ҳолларда, Ижрочи Буюртмачига кечикирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган кисмининг 0,5 фоизи микдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пеняниңг умумий суммаси кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 1,0 (бир бутун унда ноль) фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.
- 4.3 Кўрсатилган хизматлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун Буюртмачи Ижрочига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечикирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи микдорида, аммо кечикирилган тўлов суммасининг 1,0 (бир бутун унда ноль) фоизидан ортиқ бўлмаган микдорида пеня тўлайди.
- 4.4 Ушбу Шартномани тузиш, бажариш, ўзgartириш ва бекор қилиш вақтида Тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар, шунингдек етказилган заарни коплаш тўғрисидаги низолар уларнинг ўртасида музокара йули билан ҳал қилинади.
- 4.5 Ижрочи кўрсатилган Хизматларнинг ҳажми ва баҳоси ортиқча кўлланилганлиги бўйича тегишли Ички ва ваколатли текширув органларидан аниқланган тақдирда Ижрочи ва Буюртмачи томонидан ушбу ортиқча деб каралган Хизмат микдори тўғри эканлигини исботлаб бера олмаса, Хизматларнинг исботланмаган ҳажми ва баҳоси микдоридаги пул маблағлари Буюртмачига қайтариб тўлайди ёки Буюртмачи томонидан Ижрочига кўрсатилган хизматлари учун тўланиши керак бўлган пул маблағларидан ушлаб қолинади.
- 4.6 Агар келишмовчиликларни музокара йули билан ҳал қилиб бўлмаса, улар қонун хужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий судида курилишига тегишли бўлади. Даъвогар талабнома юбориш тартибига риоя этиши шарт.

### **5. Коррупцияга карши курашиш шартлари**

- 5.1 Тарафлар коррупцияга карши курашиш тўғрисидаги тартиб ва тамойилларга риоя қилиши (ўзининг мансаб ёки хизмат мавкеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб мөддий ёки номоддий наф олиш мақсадида конунга хилоф равишда фойдаланмаслиги, шунингдек бундай нафни конунга хилоф равишда тақдим этмаслиги) шарт.
- 5.2 Тарафларнинг бири Шартноманинг 5.1 бандида кўзда тутилган шартларга риоя этмаса, иккинчи Тараф Шартномани бажаришдан тўла ёки қисман бош тортиб, Шартномани тегишлича ўзgartириши ёки бекор қилиши мумкин. Бундай ҳолатларда Шартноманинг 5.1 бандида кўзда тутилган шартларга риоя этмаган

## **“XIMLAB” МЧЖ билан “O’zbekneftgaz” АЖ ўртасида тузилган шартнома**

Тараф иккинчи Тарафдан Шартномани ўзгартириш ёки бекор килиш туфайли етказилган заарни тўлашини талаб килига хакли эмас.

- 5.3 Ижрочи ушбу Шартнома бўйича Буюртмачи ходимларининг коррупцион харакатларига тукнаш келса ёки бу каби харакатларини билса, бу ҳақда қўйидаги алоқа йуллари оркали Буюртмачига хабар бериши заар:
- Буюртмачининг + 998 (71)233- 28-88 раками;
  - Буюртмачининг <http://www.ung.uz/contacts/> расмий сайтига;
  - Буюртмачининг “Facebook” тармоғидаги @uzbekneftgaz каналига;
  - Буюртмачининг Telegram каналидаги “UNG Общение”: @uzneftgazbot ботига;
  - Буюртмачининг почта манзилига тегишли матнадаги хат билан.

### **6. Якуний қоидалар**

- 6.1 Шартнома тарафларининг ўзаро келишувига мувофик ёки бир тараф Шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда иккинчи тарафнинг талаби билан бекор қилиниши мумкин. Шартномани бир тарафлама бекор қилиш ёзма таклиф бериш йўли билан амалга оширилади, таклиф олингандан сўнг 7 (етти) кунлик муддат ичida унга жавоб олинмаган тақдирда Шартнома бекор қилинган деб ҳисобланади.
- 6.2 Тарафлар форс-мажкор ҳолатлари (сув тошқинлари, ер қимирлаши ва бошка табиий ҳалокатлар, шунингдек эпидемиялар, ёнгинлар, портлашлар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мазкур Шартнома ижросига бевосита таъсир кўрсатган қарорлари) мавжуб бўлганда, шартнома бўйича мажбуриятлар кисман ёки тўлиқ бажарилмаганлиги учун жавобгарликдан озод этилади.
- 6.3 Ушбу Шартноманинг шартлари ва ундаги маълумотлар, ҳамда Шартномани бажариш жараёнида олинган маълумотлар сир бўлиб ҳисобланади ва Шартноманинг амал қилиш муддати давомида, ҳамда Шартноманинг амал қилиш муддати тугаганидан сунг 1 (бир) йил давомида Шартнома тарафининг розилигисиз учинчи тарафга ҳар қандай ҳолда ошкор этилмаслиги шарт.
- 6.4 Ушбу Шартномага киритилган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда расмийлаштирилган ва ваколатли шахслар томонидан имзоланганидан сунг ҳакиқий деб ҳисобланади.
- 6.5 Ушбу Шартнома имзолангандан сўнг Тарафлар ўртасида Шартномани тузишга оид барча барча ёзма ва оғзаки келишувлар, агар улар ушбу шартномага зид бўлса, ўз кучини йукотади.
- 6.6 Тарафлар ўзларининг юридик манзиллари ва бошка реквизитлари ўзгарганлиги ҳакида бир-бирларини 3 (уч) кунлик муддатда хабардор қилишлари шарт.
- 6.7 Шартномага иловаларп унинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади ва Шартномага қўйидаги ҳужжатлар илова қилинади:
- Илова № 1 – меню (иссик овқат тайёрлаш бериладиган ошхоналар учун)
- Илова № 2 – меню (озик овқат етказиб бериладиган кичик конлар ва участкалар учун)
- Илова № 3 – Шартнома бўйича харажатларнинг ҳисоби
- 6.8 Шартнома ўзбек тилида ва бир хил кучга эга 2 (икки) нусхада тузилди, ҳамда Тарафларга бир нусхадан берилади.
- 6.9 Шартнома тузилган пайтдан бошлаб кучга киради ва Тарафлар учун мажбурий бўлиб колади. Шартноманинг шартлари Тарафларнинг ўртасида 2022 йил 1 январдан бошлаб вужудга келган муносабатларга нисбатан қўлланилади, ҳамда 2022 йил 31 декабрь куни ҳолатига амал қиласи.

### **7. Тарафларнинг манзили, реквизитлари ва имзолари**

#### **Ижрочи**

#### **“XIMLAB” МЧЖ**

Бухоро вилояти, Бухоро шаҳри  
тел. 83652285013

X/p: 20208000804127396001

КҚБ Когон филиалида,  
МФО 00087, ИНН 203650363  
ОКОНХ 91300



Ижрочи

#### **Буюртмачи**

#### **“O’zbekneftgaz” АЖ**

100047, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент  
шахар, Истиқбол кўчаси, 21 уй,

e-mail: [kans@uzneftgaz.uz](mailto:kans@uzneftgaz.uz) / [info@ung.uz](mailto:info@ung.uz)

тел. +99871 236 02 10, факс +99871 236 77 71  
x/p 2021 0000 8001 2433 9001 АТ “СКБ”

Тошкент шахар Янгибод филиалида,  
МФО 00432, СТИР 200 837 914,  
ИФТК 84 Н.1, ОКПО 000 375 17

Р.Ч.Шеров

5 бетнинг 4 бети



Буюртмачи

"XIMLAB" МЧЖ томонидан "Узбекнефтгаз" АЖ Муборак нефть ва газ қизиб чикарни бошкармасига карашли ошхоналарда 2022 йилда исенк овкат билан таъминлаш хамда объектларга жалб килинган мутахассислар, ўтказиладиган байрам табдиirlари ва оловли ишлар учун режалаштирилган харажатларнинг хисоб-китоби

№№ т/р	Ошхона жойлашган маизили	Жами вахта услубида ишлайдиган ишич- ходимлар сони	Беш кунлик вахта услубида ишлайдиган ишич- ходимлар сони	Ўн олти кунлик вахта смена услубида ишлайдиган ходимлар сони	Ойлик иш куни			Кунлик уртacha меню нархи (сўмда) (KKC на барча харажатлари билан)	Ишчи ва ходимлар	Ойлик суммаси	Сумма
					Беш кунлик (уртacha 22 кун)	Ўн беш кунлик (уртacha 16 кун)	Жами				
1	Култук-Помук-Алан конлари ишчилар шахарчасидаги ошхона	173	4	169	88	2 704	2 792	54 410,00	151 912 720,00	15 191 272,00	2 005 247 904,00
2	"Помук" конидаги ошхона	167	12	155	264	2 480	2 744	54 410,00	149 301 040,00	14 930 104,00	1 970 773 728,00
3	"Култук" конидаги ошхона	85	7	78	154	1 248	1 402	54 410,00	76 282 820,00	7 628 282,00	1 006 933 224,00
4	"Алан" конидаги ошхона	190	14	176	308	2 816	3 124	54 410,00	169 976 840,00	16 997 684,00	2 243 694 288,00
5	"Ўртабулок-Денгизқўл" иинчилар шахарчасидаги ошхона	167	9	158	198	2 528	2 726	54 410,00	148 321 660,00	14 832 166,00	1 957 845 912,00
6	Денгизқўл конидаги ошхона	154	3	151	66	2 416	2 482	54 410,00	135 045 620,00	13 504 562,00	1 782 602 184,00
7	Сомонтепа курилмаси ва СКС, Ўртабулок кони ва СКС	201	5	196	110	3 136	3 246	54 410,00	176 614 860,00	17 661 486,00	2 331 316 152,00
8	Сомонтепа конидаги ошхона	84	3	81	66	1 296	1 362	54 410,00	74 106 420,00	7 410 642,00	978 204 744,00
9	МГКИБ Уртабулок участкасидаги ошхонаси	39	1	38	22	608	630	54 410,00	34 278 300,00	3 427 830,00	452 473 560,00
10	Умид конидаги ошхона	68	5	63	110	1 008	1 118	54 410,00	60 830 380,00	6 083 038,00	802 961 016,00
11	Гирсан кони ошхонаси	38	1	37	22	592	614	54 410,00	33 407 740,00	3 340 774,00	440 982 168,00
12	Чулқувар кони ошхонаси	54	2	52	44	832	876	54 410,00	47 663 160,00	4 766 316,00	629 153 712,00
	Озиқ-овкат етказиб бериладиган кичик конлар ва участкалар (Тегермон, Узуншор, Гарбий Тегермон гурӯҳи конлари, Денгизқўл кони БВН2, БВН 5 участкалари, Курнилаш хизмати Гирсан ва Чулқувар участкалари, Чулқувар кони янги курилмаси, Умид кони АГЗУ участкаси	90	0	90	0	1 440	1 440	46 342,00	66 732 480,00	0,00	800 789 760,00
	Жами Ximlab МЧЖ буйича	1510	66	1444	1 452	23 104	24 556		1 324 474 040,00	125 774 156,00	17 402 978 352,00



Келинилди

Объектларни бошкарни ва серник булатни берниш

Етказиб бернишни иштасавиети О'збекистон

Газета №146 2022 йил 12 май

И.Ш.Жуманов

И.И.Ходжигулев

У.Б.Ходжабергенов